

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БАНК НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИНИНГ
205/2 – СОНЛИ БАЁНИДАН КЎЧИРМА

2020 йил “16 ” март

Тошкент шаҳри

К У Н Т А Р Т И Б И

**Коронавирус инфекциясининг тарқалиши оқибатида вужудга келиши
мумкин бўлган рисклар таъсирини юмшатиш юзасидан чоралар
тўғрисида**

...

Қўмита

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

...

2. Барча тижорат банклари бошқарувларига:

жорий йил **24 мартга қадар** коронавирус инфекциясининг тарқалиши натижасида пул оқимларининг камайиши юз берган корхоналар, шу жумладан туризм ва халқаро юк ташиш соҳалари, асосий контрагентлари коронавирус инфекцияси энг кўп тарқалган давлатларда жойлашган корхоналар ҳамда Ўзбекистонда коронавирус профилактикаси чоратadbирларининг амалга оширилиши бевосита фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган корхоналарга ажратилган **кредитларни қайтариш имкониятларини тўлиқ ва пухта ўрганиш;**

ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда мижозларнинг реал пул оқимлари ва имкониятлари ҳамда лойиҳаларни ишга туширишнинг кутилаётган муддатларидан келиб чиқиб, кредитнинг асосий қарзини қайтариш бўйича 2020 йил **1 октябрига** қадар имтиёзли давр бериш ҳамда якуний тўловлар муддатларини берилган имтиёзли даврга мос равишда узайтириш юзасидан кредит шартнома шартларига ўзгартириш киритиш масаласини **кўриб чиқиш;**

мазкур бандга мувофиқ имтиёзли давр берилган мижозлар ва ўзгартириш киритилган шартномаларнинг дастлабки рўйхатини жорий йил **1 апрелгача** ва келгусида эса ҳисобот ойдан кейинги ойнинг **1 санасигача** Марказий банкка тақдим этиб бориш **вазифаси** топширилсин.

Мазкур қарорда белгиланган тааллуқли вазифаларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний бажарилишини таъминлаш учун банк бошқарув раислари шахсан **жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.**

3. Тижорат банкларига мазкур баённинг 2-бандига мувофиқ имтиёзли давр берилган кредит шартномалари бўйича шартлари ўзгартирилган кредитларнинг ҳисобини балансинг **“шартлари қайта қўриб чиқилган кредитлар ҳисобварағи”**да акс эттирмаслик ва бу кредитлар сифати таснифини **ёмонроқ тоифага ўзгартирмаслик ҳуқуқи берилсин.**

...

5. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларидан тижорат банкларининг ҳудудлардаги бўлинмалари томонидан юқоридаги тавсияларга мувофиқ ишларни ташкил этиш ва доимий назоратга олиш талаб этилади.

...

Кредит ташкилотлари пруденциал
назорати департаменти директори

 А. Турдалиев